АМИР ТЕМУР ДАВЛАТИДА СИЁСИЙ БОШҚАРУВ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА ТАСАВВУФ

С.М.Раҳмонов

Мақолада Амир Темурнинг ислом дини ва тасаввуфга муносабати ёритилган. Амир Темур давлат бошқарувида тасаввуф қоидаларини назарий манба деб билган. Давлат ишларини муваффақиятли бошқаришида маънавий пирларининг ўрни катта бўлган.

Калит сўзлар: *тасаввуф, тариқат, сиёсий бошқарув, адолат, «рости-русти», саййидлар, суфийлар.*

В статье отражено отношение Амира Темура к суфизму и исламу в целом. Амир Темур считал правила суфизма как теоретический источник правления. В деле успешного управления государством для Амира Темура была велика роль его духовных наставников.

Ключевые слова: *тасаввуф, тарикат, политическое управление, справедливость, «рости-русти», пир, шейх, саййид, суфий.*

The attitude of Amir Temur to Sufism and Islamic religion is reflected in the article. Amir Temur considered the rules of Sufism as a theoretical source of governing. The role of Amir Temur's spiritual mentors was great i.n the successful management of the state.

Key words: *Tasawwuf, tariqat, political management, justice, feast, shaykh, sayyids, sufis.*

Амир Темур бутун бир янги даврнинг, яъни Шарқ уйғонишининг иккинчи босқичини яратган жаҳоншумул шахс бўлган. Маълумки, Шарқ Ренессансининг биринчи босқичи IX асрнинг иккинчи ярмидан XIII аср мўғуллар истилосигача бўлган даврни ўз ичига олади. Амир Темур ва темурийлар эса Марказий Осиё ва умумжаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган «Темурийлар Ренессанси» даврини бошлаб берган.

Амир Темур тарихини ўрганиш учун салкам қирқ йилга яқин тадқиқотлар олиб борган Л.Кереннинг таъкидлашича: «Бир томонда қаттиққўл Темур турса, иккинчи томонда илм аҳлини қутлаб, ҳимоясига оладиган Темур турарди; бир томонда бутун-бутун шаҳарларни забт қилувчи Темур бўлса, иккинчи томонда обидалар, мадрасалар, анҳорлар қурдирувчи ва боғлар барпо эттирувчи Темур туради. Бу мураккаб шахс муаррихлар учун ҳам жумбоқ бўлиб қолмоқда» [1.35-36].

Амир Темур меросини ўрганиш шунинг учун ҳам зарурки, у тузган адолатли салтанатда сиёсат юритиш тажрибаси ҳозирги замон тараққиётида ғоят муҳим ўрин эгаллайди.

Амир Темур Ислом ва Қуръонни давлат рукни деб, шариат ва тасаввуфни давлатни бошқариш воситаси деб тушунган. Шунинг учун у ўз ижтимоий-иқтисодий сиёсатини ва амалий фаолиятини тасаввуф таълимотига таяниб, шариат ақидалари асосида олиб борган.

Амир Темурниинг тасаввуф қонун-қоидаларига тўлиқ риоя қилиб сиёсат юргизганлигини турли тарихий манбалардан ҳам билиб олсак бўлади. Амир Темурнинг тарихини ўрганиш борасида француз тарихчиси Жан Поль Ру шундай ёзади: «Темурнинг ўзи икки асар яратган: хотиралар (Мазлуфот) ва қонунлар мажмуаси – «Тузуклар»дир [2].

Амир Темурнинг ўз сиёсатида тасаввуф қоидаларини назарий манба деб билгани буюк пирлари хизматининг натижаси эди, десак хато бўлмайди. Чунки Темур ўз сиёсати тизимини пирларининг маслаҳатлари, уларнинг кенгашлари ёрдамида ишлаб чиққан.

Бу ҳақда Темурниг ўзи шундай ёзади: «Мен йигирма ёшга тўлганимда саёҳат қилмоқчи бўлдим. Лекин аввал Шайх саёҳатимга дуойи фотиҳа бериб, белимга камар боғлаб, бошимга қулоч кийгизди ва менга бир чиғаноқ узук тортиқ қилди, унинг кўзида «Рости-русти» сўзлари ёзилган эдики, унинг маъноси хаққонийлик ва одиллик ҳар қандай балодан халос қилади», демакдир [3.18].

Ибн Арабшоҳ Амир Темур тамғасидаги бу илоҳий сўз маъносига тўхталиб шундай ёзади: «Темур тамғасининг нақши «Рости-русти» бўлиб, бу ҳақгуй бўлсанг, нажот топасан демакдир», дейилади. Шарафиддин Али Яздий эса Темур тамғасидаги бу суфиёна сўзларни «Хақ бўлсанг, зафар топасан», деб изоҳлайди [4.17].

Ҳатто Амир Темур ўзининг давлат рамзини (муҳрини) белгилашда ҳам тариқат таълимотига амал қилганлиги сезилиб турган. Чунки Шарафиддин Али Яздийнинг қайд этишича, Амир Темурнинг ҳарактерли хусусиятларидан бири – давлат, мамлакат, фуқароларга ғамхўрлиги эди. Унинг қоидаси «расти-дурусти» эди. Ҳақиқат – сиҳат-саломатлик, ҳақиқат – тартиб, ҳақиқат – адолат, демакдир деб тушунтиради [4.17].

Алишер Навоий ҳам «Ҳайрат ул-аброр» асарида «Рости-русти» ҳақида тўхталиб, аввало, борлиқ уйи шу тўғри устунлар билан тик ва улар қоронғу уй бурчагидан тушиб турувчи нур ва жами мажлисни безатувчи эканлигини ёзади. Навоийнинг ёзишича, Сулаймон ҳам подшоҳ, ҳам пайғамбарликка эришиб, бутун мавжудот унинг тасарруфида бўлган.

Инсондан бошлаб дев, пари, ҳайвон, хуллас, чумолигача унга тобе, ҳатто шамол ҳам унинг ҳукмига қараган. Бу ишларнинг барчаси унинг қўлидаги узук хусусиятидан содир бўлган. Узукка «Исми аъзам» (дуо) битилган бўлиб, илоҳий қудрати мана шу хат шарафидан экан. Лекин Навоий «Рости-русти»ни ҳар қандай дуодан устун қўяди ва унга дунёвийлик, амалиёт қиёфасини беради. Навоий назарида бунга амал қилувчи шоҳнинг халқи ҳукмига буйсунувчи ва фармонназир бўлади [8.205].

Темур ўз сиёсатида адолат, ҳаққонийлик ва одилликка таяниб иш тутган. Чунки ўз сиёсатида ҳақ йўлини танлаган Темур бундан бошқача сиёсат юргизиши мумкин эмас эди. У нимаики қилса шариат доирасида, мусулмон фиқҳи қоидаларига таяниб ва умуман Ислом аҳкомлари билан иш тутган. Бу эса Темурнинг ўз пири Абубакр Тойбодийнинг «рости-расти», яъни «ҳаққонийлик ва одиллик ҳар қандай балодан халос қилади» деган насиҳатларининг амалга оширилишидир.

Л.Лянглэ ва Г.Вамбери, Л.Кереннинг асарларида «рости-дурусти» бошқача транскрипцияда «рости-русти» деб берилган ва ҳақиқат – халоскор, яъни ҳақиқат хавф-хатардан халос этади, деб ёзилган [5.128].

Француз тарихчиси Л.Керен эса «рости-русти»-ни – «Агар қалбинг пок бўлса, эркинсан» деб талқин қилган.

Темур бутун умри давомида ўзининг ҳам ички ҳам ташқи сиёсатида бу буюк ҳикматга содиқ қолган ва худди шу «рости-расти», яъни «ҳақ бўлсанг нажот топасан» ҳикматини Темур ўз тамғасига муҳр сифатида ўрнатган.

Темурнинг тамғасидаги иккинчи асосий тушунча қонун устуворлигидир. Унинг назарида, аввало, қонунлар адолатли ва инсонпарвар бўлиши керак ва халқ учун фойда келтириши, унинг ижтимоий муҳофазасини таъминлаши керак бўлган. Лекин ижтимоий, сиёсий, маданий тенгликнинг тўла, ҳамма одамда бир хил амалга ошмаслигини билган Темур бу ишда маълум даражада қаттиққўлликка асосланиб иш кўрган. Чунки ижтимоий тенгсизлик мавжуд бўлган ҳар бир жамиятда қонун, салтанат тузуги ва шариат қоидаларининг бузилиши мумкинлигини Темур тушунган. Шунинг учун ҳам у «мен фуқарони қўрқинч ва умидда тутдим», деган гапларини бекорга айтмаган [3.69].

Рюи Гонзалес де Клавихо, «Самарқандда қонунга қаттиқ риоя қилинар эди, шунинг учун ҳам ҳеч ким сеньорнинг (Амир Темурнинг) буйруғисиз бировга тазйиқ ўтказолмайди ва қандай бўлмасин куч ишлата олмайди» деб ёзган.[6.139] Қонунларга фақат марказда эмас, балки бўйсундирилган мамлакатларнинг ҳудудларида ҳам риоя қилинган. Бу муаммо борасида Амир Темурнинг алоҳида ўз қоидаси бўлган, унда ёзилишича: «Тобе мамлакатларнинг аҳолиси кутилмаган ҳодисалардан, қатлдан, зўравонлик ва асирликдан ҳимоя қилинсин. Уларнинг мулки талон-тарожликдан сақлансин» деб фармон берган.

Қонун устуворлиги Амир Темур даврида шундай бўлганки, жиноятга тортилувчининг айби фақат тўрт гувоҳ олдида исбот қилингандан кейингина унинг устидан ҳукм чиқарилган.

«Авесто»ни, Бурҳониддин Марғилонийнинг «Ҳидоя»сини, Имом Бухорий, Имом Термизий, Форобий, Тафтазонийларнинг ҳуқуқий таълимотларини чуқур ўрганган Темур назарида қонун устуворлигига амал қилиш, раиятни золимлардан асрашдан иборат бўлган.

«Зафарнома»да келтирилишича, Амир Темур шундай деган: «Менинг мақсадим давлат ишларида адолат ва тартибни, қонунчиликни тиклашдир. Фуқаролар тинч-тотув яшасинлар дейман. Мен шариат ва қонунчиликни ўрнатай. Эндиликда менинг мақсадим мамлакатларни забт этиш эмас, қўлга киритган давлатларни идора қилишдан иборатдир».

Қонун устуворлиги ҳақида ва унинг халқ тинчлиги учун аҳамияти ҳақида тўхталиб, Амир Темур яна шундай ёзган: «Мен истардимки, бир гўзал париваш бошида тилла солинган патнис билан йўлда ҳеч қандай зиён-заҳмат кўрмай Кобулдан Дамашққача етиб келсин» [4.26].

Амир Темурнинг тасаввуфга бўлган муносабати унинг Ислом динига бўлган муносабат тамойилларидан келиб чиққан. Темур Ислом динига, тасаввуфга давлатни идора қиладиган сиёсий тамойил йўқлиги учун эмас, балки уни халққа энг яқин ва маъқул бўладиган қоида эканлиги ва уларнинг инсонпарвар хусусияти учун тўла таянган. Шунинг учун ҳам Темур Ислом дини, унинг софлигини шакллантириш учун жонбозлик кўрсатган, унинг халқ орасига ёйилиши, ривожланишига ғамхўрлик қилган, руҳонийларнинг ҳурматини жойига қўйган, айниқса, пайғамбар авлоди, шайхлар, илоҳиётчилар, қози ва муҳтасибларни ҳимоя қилиб, уларга муттасил ёрдам бериб турган.

Амир Темур вақти-вақти билан сўроқ-пурсиш (таҳқиқ) ўтказиб турган. Ўз амалини суиистеъмол қилиш, порахўрлик, доимий ичкилик ичиш, маиший бузуқлик кабиларни ор-гуноҳ ҳисоблаб, қаттиқ жазолаган. Али Яздийнинг ёзишича, ўз мансабини суиистеъмол қилиш Темурий шаҳзодаларда учраса ҳам уларга тегишли жазо берилган. Ҳаттоки, унинг ўғли Мироншоҳ невараси Амирзода Пирмуҳаммадлар халқ олдида қаттиқ жазога тортилганлар.

Темур давлатнинг обрўси, шарафи, манфаати борасида ғоят қаттиққўл бўлган. У бундай пайтларда ўзини ҳам, ўғил ва невараларини ҳам, ҳарбий бошлиқларни ҳам аямаган. У давлат ишларида ғоят мустаҳкам собит ва барқарор турган.

Темурнинг бу хислатларини характерлаб, Ибн Арабшоҳ шундай ёзади: «Унинг лутфи қаҳри ичига қорилган бўлиб, қўрслиги эзгулиги орасига қўшилган эди» деган [7.69].

Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис»да Темурнинг давлатни бошқариш услубига тўхталиб, «Темур фармонларини бажармаганлар, кайфу-сафони ўзи-

га касб қилиб олганлар қаттиқ жазоланар эди» деб ёзган [9.86].

Ислом ва тасаввуфнинг қонун-қоидаларини ўз қалбига жо қилган Амир Темур бир умр мазкур қоидаларни маҳкам ушлаган. Темур, «агар подшоҳ бирор гуноҳкорнинг гуноҳини кечирса, бу билан фуқаросига раҳм қилган бўлади. Менинг барча ишларимда ана шундай подшоҳлар менга ибрат бўлган деб ёзади тузукларида» [3.13].

Шарафиддин Али Яздийнинг ёзишича, Амир Темур ўз фуқаросининг аҳволи ҳақида яхши бошлиқлари берган маълумотларни ўзи шахсан кўздан кечирган, чунки у одам таний ва танлай биладиган шоҳ бўлган. «Яхши подшоҳ, - дейди у, - подшоҳлик қилиш учун ҳеч қачон етарли вақтга эга бўлмайди, шунинг учун биз қудратли Оллоҳ бизга муқаддас қарз сифатида топшириб қўйган фуқаро фойдасига ишлашга мажбурмиз. Бу ҳамиша менинг асосий машғулотим бўлиб қолади, негаки қиёмат куни фақирлар этагимдан тортиб, мендан қасос олишни талаб этишларини мен истамайман» [4.47].

Темур ўз армиясини зўрлик ишлатувчи куч деб эмас, балки адолат ўрнатувчи куч сифатида билган ва унга таяниб ҳокимиятни бошқарган.

Ҳақиқатан ҳам француз тарихчиси Л.Керен таъкидлаганидек, «Темур даҳшатли саркарда, шу билан бирга буюк ташкилотчи, санъаткор ва олимлар раҳанамоси, мозий йўриғини ўзгартира олган шахсларга йўлдош, сеҳрга эга бўлган кишидир» [1.40].

Амир Темур турли мамлакатларнинг аҳолисини йўл-йўриққа солиш ва маош тайинлашда, авлиёлар ва дин першволарининг мозорларини тузатиш, вақф ва назр ишларини тартибга солишда ҳам Тузуклари, яъни қонунлари асосида иш юритган. Бу қонунга биноан фатҳ этилган давлат сипоҳийлари ўз ихтиёрлари бирлан унинг паноҳига келсалар, Темур уларни навкар қилиб олган. Шу давлатларнинг раияти ёмон ҳодисалардан, қатл этилишдан, асиру банд этилишдан муҳофаза қилинган. Уларнинг молу мулки, буюмлари талон-тарож қилинмаган. Ўша мамлакатлардан олинадиган ўлжа, солиқлар, миқдори аниқ ҳисобга олинган. Саййидлар, уламо, машойих, фузало, акобирлар азиз тутилган. Темур, айниқса, деҳқонлар ҳаёти билан яқиндан шуғулланиб, уларга шарт-шароитлар яратиб беришни амирлардан талаб қилган. Фақиру мискин, бирон касб қилишга ожиз, шол-кўрларга нафақа белгилаган.

Амир Темур дўсту душманга муомала қилиш бобида чуқур мулоҳаза юритган: «Менга ҳасад қилиб, ўлдиришга қасд қилган кишиларга шунчалик совғаинъомлар бериб, муруввату эҳсон кўрсатдимки, бу яхшиликларни кўриб, хижолат терига ғарқ бўлдилар...» [3.90].

Ҳазрати Амир Темур қалбан тақводор мусулмон бўлган, авлиёю пирларни, шайху уламоларни жуда эъзозлаган. Шунинг учун Амир Темур ўз пири Амир Кулолнинг башоратларини Аллоҳнинг иродаси деб билган, ҳеч иккиланмай уларни амалга оширишга интилган.

Амир Темур қайси мамлакатни забт этган бўлса ҳам, у ерда ҳеч қачон шайхлар ва саййидларга жазо бермаган. Уларни ҳурматлаган ва барча шарт- шароитларни яратиб берган. Чунки Темур уларни худонинг энг яқин кишилари деб билган ва уларга шикаст етказишни олий гуноҳ деб тушунган, бу учун жазо тайин эканлигини англаган.

Амир Темур, айниқса, маърифат ишларига жиддий эътибор берган. Авлиёлар, дин пешволарининг мозорлари ва мақбараларига вақф ерларидан тушган даромадлар ҳисобига маблағ ажратишга буйруқ берган. У ерларни таом ва чироқ билан таъминлашга амр қилган.

Хулоса қилиб айтганда, Амир Темур қайси бир мамлакатни забт этмасин, у ерда адолат ва маърифат ишларини ривожлантиришга амирлар, ҳукмдорларнинг диққат-эътиборларини жалб қилган. Шунинг учун ҳам Темурни қачонлардир ўта золимликда айблаган тарихчиларнинг фикрларини бугунги куннинг манбаларга таянган, ҳаққоний тадқиқотлари инкор қилиб, аксини кўрсатиб бермоқда. Амир Темурнинг сиёсий фаолияти ва қарашларида ёмонлик эмас яхшилик, уруш эмас, тинчлик, босқинчилик, талон-тарожлик эмас, тежамкорлик каби томонлари устун турган.

Адабиётлар:

1. Карен Л., Саидов А. Амир Темур ва Франция.- Т.: Адолат, 1996 .
2. Roux I.P. Tamerlane. 1994, p 344
3. Темур тузуклари.- Т.: Фан ва технология, 2014
4. Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома.- Т.: 1996
5. Вамбери Ҳ. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи.- Т.: Адабиёт ва санъат, 1990
6. Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқанддаги Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403-1406 йиллар). Русчадан О.Тоғаев таржимаси.- Т., 1990.
7. Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи.- Т.: Меҳнат, 1992
8. Алишер Навоий. Ҳайрат ул-аброр // Мукаммал асарлар тўплами. 5-ж.- Т., 2006
9. Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис.// Мукаммал асарлар тўплами. 12-ж.- Т., 2006

Самарқанд давлат чет тиллар институти,
2018 йил 28 июнда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Р.Шодиев)